O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 16 март №52 (3326) Сешанба

## ҚЎШМА ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан биридир. Уни янада ривожлантириш мазкур соҳада чуқур ислоҳотлар ўтказишни, деҳқон ва фермерлар манфаатлари ҳимоясини кучайтиришни, бинобарин, қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини юксалтиришни талаб қилмоқда.

Қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишга қаратилган қонунлар ҳамда улар асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича прокуратура органларининг фаолиятини кучайтириш мақсадида мамлакатимиз Президенти томонидан 2004 йил 11 март куни "Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган қонунларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тузилмасига тегишли ўзгартишлар киритилиб, прокуратура органларининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги долзарб вазифалари белгилаб берилган.

Шу муносабат билан 13 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Адлия вазирлиги ҳайъатларининг кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Бош прокуратура ҳамда Адлия вазирлигининг раҳбарлари, таркибий тармоқлар бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, уларга тенглаштирилган прокурорлар, шунингдек, ҳудудий адлия бошқармалари бошлиқлари иштирок этди.

Мажлисда таъкидланганидек, қишлоқ хўжалиги соҳасида ечимини кутаётган қатор муаммолар ва қонунбузилишлар мавжуд, уларнинг аксарияти қонун талабларининг етарли даражада бажарилмаётгани билан боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, давлатга пахта, ғалла топшириш, ширкат ва фермер хўжаликларига техникавий хизмат кўрсатиш, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари етказиб бериш ҳамда пул маблағларини ўтказишда шартнома мажбуриятларига тўлиқ риоя қилинмаяпти.

Қурилаётган чораларга қарамай, ерларни ноқонуний ажратиш, улардан мақсадсиз фойдаланиш, ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўйиш, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материалларини талонторож қилиш ҳолларига чек қўйилмаяпти.

Айрим жойларда фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларга ер ажратишда масъул шахслар томонидан мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, қариндош-уруғчилик ва таниш-билишчиликка йўл қўйилмоқда.

Мажлисда юқоридаги ва бошқа салбий ҳолатлар назоратдан четда қолгани ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликлар танқид остига олинди, уларни бартараф этишга доир аниқ вазифалар белгиланди. Мамлакатимиз Президентининг номи зикр этилган Фармони ижросини таъминлаш борасида таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

(ЎзА).

## ДОЛЗАРБ МАСАЛА МУҲОКАМАСИ

*ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Х.САЛИМОВ).*

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 мартдаги "Тошқин сувларини, сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш ва кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашга оид масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси тегишли вазирлик, қўмита, идора ва ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари иштирок этган йиғилишда тошқин ва сел оқимларининг, кўчки ҳодисаларининг олдини олиш, аҳоли ва ҳудудларни турли табиий офатлардан муҳофаза қилишга оид чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Файзуллаев иштирок этди.

## «Тирик руда» даволайди

*ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири А.ИВАНОВА).*

*Кўп йиллик кузатишларга кўра, республикамиз экотизимининг барча бўғинларида микроунсурлар тақчиллиги доим сезилиб туради. Улар биз истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларида ҳам етишмайди. Бундай вазият дунёнинг денгиздан узоқда жойлашган бошқа минтақаларида ҳам мавжуд. Инсон учун зарур моддалар етишмаслигини қандай қоплаш мумкин? Ўзбекистон олимлари ва мутахассислари энг мақбул ва арзон услублардан бири — микроунсурларга бой ер ости сувлари манбаларидан фойдаланишни таклиф қилмоқда.*

Тошкент давлат техника университетида бўлиб ўтган "Техносфера, инсон ва микроунсурлар" мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси бу муаммони ҳал этиш учун фаннинг турли соҳалари ва идоралар саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, ҳамкорликнинг аниқ йўлларини ишлаб чиқишга бағишланди. Унда Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фанлар академияси вакиллари, олимлар, муҳандис-технологлар иштирок этди.

Минтақавий геотермал, минерал сув манбаларига бой "тирик руда" деб аталган бу манбалар таркибида қимматли микроунсурларнинг эритилган ионлари бор. Тошкент давлат техника университети олимлари "тирик руда" концентратларини олишнинг ноёб технологиясини ишлаб чиқдилар, бунда улар алоҳида фракцияларга парчаланади. Бу муайян эҳтиёжга мўлжалланган "фойдали" маҳсулот яратиш имконини беради.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қатор институтлари олимлари "Кемтош" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси мутахассислари билан бирга Наманган вилоятидаги "Чортоқ" санаторийси ҳудудидаги учинчи булоқдан отилиб чиқадиган минерал сувдан "Йод-шифо" юқори минераллашган концентрати ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. У ўз хусусиятларига кўра, дунёнинг машҳур курортлари — Чиж (Чехия), Бад-Тельц (Германия), Колорадо-Спрингс (АҚШ) сувларидан қолишмайди. Давлат проба палатаси лабораториясида ўтказилган таҳлиллар шуни тасдиқладики, "Кемтош" қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган концентрат таркибида 36 та унсур мавжуд. Улар орасида йод, натрий, калий, кальций, магний, бром, темир, рух бор. "Йод-шифо" соғломлаштириш ванналари, доривор қўшимчалар учун ҳам ишлатилади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, минерал сувлардан концентратлар ишлаб чиқариш харажатлари аҳолини микроунсурлар етишмаслиги оқибатларидан сақлаш учун дори-дармонлар билан даволаш харажатларидан кўра анча кам. Конференцияда таъкидландики, ТДТУда ишлаб чиқилгани каби технологиялар кенг жорий этилиши лозим. Бунинг учун ҳам келгуси илмий изланишларни олиб бориш, ҳам янги технологик услублар ва ускуналар яратишда идоралараро интеграция зарур. Масаланинг яна бир томони, етишмаётган унсурларни экологик занжирга бойитиш йўли билан қўшишдир. Бу ҳам жиддий ўрганилиши лозим, чунки экотизимнинг у ёки бу қисмига сунъий таъсир мавжуд мувозанатни бузиши мумкин. Шу боис янги технологияларни ишлаб чиқиш билан шуғулланаётган олимлар, тиббиётчилар, муҳандисларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан муаммони ҳал этишнинг энг тўғри йўлини топиш мумкин.



*Жиззах вилоятидаги "Жиззахпластмасса" ҳиссадорлик жамиятида бугунги кунда 800 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Улар жами 50 турдан зиёд маҳсулотларни ишлаб чиқармоқдалар. Чигит экишда қўлланиладиган плёнка — шулардан бири. Ўтган ойлар мобайнида деҳқонларнинг буюртмасига кўра, жамоа уларга етарли миқдорда шундай маҳсулотни етказиб берди.*

**СУРАТДА: корхона оператори Зоир Усмонов.**

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## ДАСТУР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

15 март куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Озарбойжон Республикаси ўртасида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Юнусов ҳамда Озарбойжон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Аббос Аббосов раҳбарлигидаги икки мамлакат делегациялари иштирок этди.

Истиқлолга эришилгандан кейин мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги давр бошланди. Ўзаро ишончли ҳамкорликни ривожлантиришда икки мамлакат Президентларининг ўзаро ташрифлари ва олий даражадаги мулоқотлар давомида эришилган келишувлар катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, иқтисодиётнинг муҳим соҳаларида алоқаларни юксалтиришни кўзда тутувчи ўнлаб бошқа ҳужжатлар ташкил этади. Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, ҳаво, автомобиль ва темир йўл алоқаси, солиқ, божхона, юк ташиш ва сайёҳлик каби бир қатор соҳалар бўйича имзоланган битимлар шулар жумласидандир.

Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг еттинчи бор ўтказилаётган ушбу мажлисида иқтисодиётнинг турли соҳаларида алоқаларни янги босқичга кўтариш, мавжуд муаммоларни биргаликда бартараф этиш юзасидан фикрлашиб олинди.

Таъкидлаш жоизки, икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўрсаткичлари мамлакатларимиз салоҳияти даражасида эмас. Иқтисодиётнинг қатор соҳаларида мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти. Ўзаро савдо кўрсаткичларини кўтариш, қишлоқ хўжалиги, транспорт-коммуникация каби соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ҳамкорликдаги ишлаб чиқариш тузилмаларини барпо этишга қаратилган техникавий ва илмий салоҳият етарлича ишга солинмаяпти.

Шу боис мажлис иштирокчилари Ўзбекистон ва Озарбойжон ҳукуматлари ўртасида 2001-2010 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури бўйича чора-тадбирлар ижросининг боришини батафсил муҳокама қилди. Кўрилган масалалар юзасидан якуний протокол имзоланди.

Саидмурод РАҲИМОВ, ЎзА мухбири.

## Орасталик — халқимизга хос фазилат

### 13-14 март кунлари мамлакатимизда умумхалқ ҳашари бўлиб ўтди

Наврўз халқимизнинг қадимий ва боқий байрамларидан биридир.

Ота-боболаримиз азалдан бу айёмни покизалик ва эзгу умидлар билан қаршилаган. Мазкур байрам замирида ажлодларимизнинг бағрикенглик, инсонпарварлик, ўзаро ҳамжиҳатлик сингари фазилатлари мужассам.

Боқий байрамимиз арафасида барча ҳашарга чиқиб, теварак-атроф, уй-жойлар, қабристонлар ва зиёратгоҳларни тартибга келтириш, меҳр-мурувватга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш каби анъаналар йилдан-йилга янги маъно-мазмун билан бойиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан 2004 йил «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинганлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан жорий йилнинг март ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб аталиши бу борадаги ишларни янада жонлантириб юборди. Мазкур ойлик доирасида 13-14 март кунлари республикамизда умумхалқ ҳашари бўлиб ўтди.

Ҳашар кунлари мамлакатимиз бўйича 150 миллион гектардан зиёд майдон ободонлаштирилди. Боғ ва хиёбонларга, кўча ва йўл бўйларига минглаб туп гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Ариқ-зовурлар тозаланди, дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Болаларнинг ўйин майдончалари, спорт мажмуалари, бозорлар, бино ва иншоотлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар тартибга келтирилди. Тонналаб чиқиндилар чиқариб ташланди.

Кекса ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилаларнинг уй-жойлари таъмирланди.

Масалан, Андижон вилоятида ҳашар кунлари 1,7 минг километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланди, минглаб кўчатлар ўтқазилди.

— Ёшим саксондан ошди, шу пайтгача жуда кўп ҳашарларда қатнашганман, — дейди навоийлик отахон Иброҳим Норов. — Аммо бу йилги ҳашар илгаригиларидан тубдан фарқ қилади. Халқимиз ўз хоҳиши билан далага чиқиб, виждонан меҳнат қилди. Биз, кексалар ҳам четда қараб турмадик.

Тошкент вилоятида ҳашар кунлари 600 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали кўчатлари ўтқазилди. 981 гектардан кўпроқ майдон ободонлаштирилди. 1900 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланди. Шу билан бирга, маданий ёдгорликлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар, аҳоли турар жойларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Бундай ибратли мисолларни юртимизнинг ҳар бир вилояти ва туманидан келтириш мумкин. Зеро, умумхалқ ҳашари мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида — вилоят, шаҳар, туман, ташкилот, муассаса, идора, корхона, маҳалла ва қишлоқда кўтаринки руҳда ўтди. Ҳашарчилар ҳордиқ чиқариши учун уларга маданий дастурлар намойиш этилди. Дошқозонларда сумалак, ҳалим пиширилди.

Умумхалқ ҳашари туфайли тушган маблағ ҳар қайси ҳудуднинг ўзида, ўша жойнинг инфратузилмасини ривожлантиришга, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига кўмак беришга, маҳаллаларни, қишлоқларни ободонлаштириш билан боғлиқ хайрли ишларга сарфланади.

Бунёдкорлик, яратувчанлик, ободончилик ишлари мавсумий тадбирга айланиб қолмай, йил бўйи мунтазам давом этади. Зотан, орасталик — халқимизга хос олижаноб, эзгу фазилатлардан ҳисобланади.

(ЎзА).

**ВИЛОЯТЛАР ЙЎҚЛАМАСИ: техника воситалари мавсумга шайми?**

## Кечга қолган армон қилур

*Ўтган ҳафта ниҳоясида Қорақалпоғистондан хушхабар келди: мамлакатимиз шимолий ҳудудларида плёнка остига чигит экиш бошланди. Демак, юртимизнинг ҳамма минтақаларида баҳорги дала ишлари тобора қизғин тус олмоқда.*

*Баҳорнинг барвақт келиши деҳқонларимизни шошилтириб қўймадими? Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган йиғилиши қарорида белгиланганидек, охирги муддат — 15 мартгача ҳайдов, чопиқ ва экиш техникалари мавсумга сифатли шай қилиндими? Жойлардан олинган тезкор маълумотларга қараганда, бу юмуш асосан ниҳоясига етказилганлиги айтилади. Лекин қоғозда эмас, амалда аҳвол қандай? «Халқ сўзи» мухбирлари ана шу масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида тўғридан-тўғри далаларга, машина-трактор паркларига, устахоналарга етиб боришди.*



### Андижон

Ўтган йили андижонликлар пахта етиштириш борасида илғорликни қўлдан берганликлари бирмабир таҳлил қилинганда, 2002-2003 йилги кузги-қишки агротехника тадбирлари тўлиқ ўтказилмаганлиги, пахта далаларига пухта тайёргарликсиз экиш техникаси киритилганлиги, бунинг оқибатида тупроқ унумдорлиги бузилганлиги сабаб қилиб кўрсатилди. Энди деҳқонлар бу сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб олишлари керак. Қиш илиқ келди. Демак, бундай шароитда ҳашаротлар яшовчан бўлади. Андижонликлар шуларни ҳисобга олиб, дов-дарахтлар остидаги бегона ўтларни йўқотиш, тут кўчатларига кимёвий ишлов бериш чораларини кўришаяпти.

Балиқчи туманидаги «Сиза» ширкат хўжалигидамиз. Машина-трактор паркида «нимжон» техника воситалари ишдан чиққан ҳолда ташлаб қўйилган.

— Бугун-эрта мотор олишимиз керак, — дейди бошқарув раиси Муқимжон Бурҳонов.

— Дала ишлари қизиб кетган бир пайтда шунча техника қантариб қўйилганлигини қандай баҳолаш мумкин?

— Ҳов наридаги тракторнинг моторидан ишкал чиқди, бир амаллармиз. Яна иккитасининг арзимаган камчиликлари бор. Тузатамиз.

Ўтган йили белгиланган шартномаларни аро йўлда қолдирган Бобур номли ширкат хўжалигида баҳорги ишларга киришиш бу йил ҳам қийин кечаяпти. Экскаваторнинг кунлик иш унуми 100-150 метрдан ошмаётир.

Шунингдек, «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида ҳам қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашишда техника воситаларидан самарали фойдаланилмаяпти. Бундай аҳволга ҳосил тақдири учун масъул бўлган раҳбарлар нима дейдилар?

### Наманган

Вилоятга кўклам ҳар қачонгидан эрта келди. Шу кунгача 96 минг гектар майдоннинг 61 минг гектари текисланиб, 39 минг гектарига пушта олинди. Тупроғи етилган майдонларда плёнка остига чигит экиш давом этмоқда. Мутахассислар бир ҳолатга эътибор қилишди: жорий йил январь, февраль ойларида дала ишлари нисбатан кўпайган бўлса-да, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари сарфи минг тоннага камайибди.

Норин туманидаги «Норин» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Одилжон Қосимов ва бош муҳандис Аъзамжон Маматов 5 та эгат олувчи мосламали трактор, 6 та плёнка остига, 4 та очиқ майдонга чигит экувчи агрегат, 2 та пуркагич мавсумга тайёр, дейилган ҳисоботга имзо чекканларига анча бўлган. Аммо булар фақат қоғозда эканлиги ҳақиқий аҳволни кўрганда аён бўлди.

— Энди сеялкани осаман, деб турганимда узатмалар қутиси панд берди, — дардини тўкиб солди «МТЗ-80» трактори атрофида куймаланаётган Одилжон Мўйдинов. — Бузилганига бир ҳафтадан ошди. Алмаштирай десам, янгиси йўқ. Таъмир пайтида кўп айтдим, лекин қулоқ солишмади.

Комилжон Мўйдинов бош пудратчи бўлган далада чигит экаётган сеялка ортидан 4 киши югуриб юрибди. Сабабини сўрасак, бу одамлар трактор пайкал бошига етганда мосламани қўлда кўтариб туширишга ёрдамлашаётган экан.

(Давоми 2-бетда).

Шарҳловчи минбари

# Тинчлик сари ҳамкорлик

***Хабарингиз бор, яқинда мамлакатимиз матбуотида НАТО Бош котиби Яап де Хооп Схеффернинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга мактуби босилди. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Ўз хизмат вазифаларимни адо этишга киришар эканман, Ўзбекистон ва НАТО ўртасидаги «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» доирасидаги муносабатлар кўплаб соҳаларни қамраб олаётганини мамнуният билан қайд этаман».***

НАТО ва унинг Ўзбекистон билан тинчлик йўлидаги ҳамкорлигини шарҳлашдан олдин сизларга янги Бош котибни таништириб ўтмоқчимиз. Жаноб Яап де Хооп Схеффер ўз хизмат вазифасини бажаришга шу йилнинг январидан бошлаб киришди. Маълумки, унгача НАТОга Жорж Робертсон раҳбарлик қиларди. Робертсон пайтида НАТО Ўзбекистон билан яқин муносабатлар ўрнатди. Жумладан, 2002 йил охиридаги Прага саммитини эсланг. Унинг ишида НАТОнинг тўлақонли аъзолари ҳамда аъзоликка номзодлари кўрсатилган давлатлардан ташқари НАТО билан яқин алоқа ўрнатган ва шериклик асосида ҳамкорлик қилаётган давлатлар раҳбарлари қаторида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳам иштирок этди. Бу Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборига салмоқ ва салоҳият бағишлади.

Янги Бош котиб асли Амстердам шаҳридан. Лейден университетида ўқиган, юрист. Ҳарбий хизматни ҳарбий-ҳаво кучларида ўтаган. Шундан кейин ўзини сиёсатга бағишлади. Христиан-демократик партияга етакчилик қилди. Сўнгра ўз қобилиятини дипломатик ишларда синаб кўрди. Голландиянинг Ганадаги ҳамда Швейцариядаги элчихоналарида хизмат қилди. Саксонинчи йилларда НАТОнинг Брюсселдаги марказий штабида ишлади. Голландиянинг ўзидан олдинги ташқи ишлар вазирлари даврида бош котиблик вазифасини бажарди. Ўтган йилнинг июль ойида эса ташқи ишлар вазири этиб тайинланди.

Сиёсий кузатувчиларнинг фикрича, жаноб Яап де Хооп Схеффер яхши нотиқ ва мутойибага мойил инсон. Ёши эллик бешда. Музокараларда муроса ва ён босиш йўлларини топишга моҳир. Қалтис вазиятларга тўғри баҳо бера олади. НАТОга аъзо давлатларнинг аксарият сиёсат арбоблари унинг «атлантик бирдамлик»ни янада мустаҳкамлашига умид қилишмоқда.

Жаноб Яап де Хооп Схеффернинг ўз вазифасини бажаришга киришганлиги ва унинг Ўзбекистонга эътибори билан боғлиқ вазиятдан келиб чиқиб, бугунги НАТО ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизни айтиб ўтмоқчимиз. Бугунги НАТО мақсад-моҳиятига кўра, бундан йигирма-ўттиз йил олдинги НАТОдан бутунлай фарқ қилади. Олдинги НАТО тузумлар ва ғоялар қарама-қаршилиги даврида, «совуқ уруш» дағдағаси ҳукмронлиги пайтида Варшава шартномаси деб аталувчи ҳарбий-сиёсий блокка қарши турувчи ҳарбий-стратегик куч эди. Бугунги НАТО эса Европада нафақат тинчликни, барқарорликни, хавфсизликни ва ҳамкорликни таъминлашга хизмат қиладиган, балки қитъадаги аксарият давлатларнинг эркин демократия ҳамда бозор муносабатлари йўлидан изчиллик ва қатъиятлик билан боришларига ёрдам берадиган ҳарбий-сиёсий кучдир. Бу куч ҳеч қандай ҳарбий ёки сиёсий блокка, бирорта ташкилотга, давлатга, тузумга қарши қўйилмаган. Аксинча, НАТО Европа Иттифоқи ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти билан яқин ҳамкорлик қилмоқда.

Эътиборга молик бир ҳолат. НАТО асосан «совуқ уруш» пайтида ўзига қарши ҳарбий куч сифатида ташкил этилган собиқ Варшава шартномасига аъзо бўлган давлатлар ҳисобига кенгайиб бормоқда. Бундан тўрт йил олдин Чехия, Польша, Венгрия давлатлари НАТОга аъзо бўлишганди. Бундан бир ярим йил олдин Болгария, Руминия, Словакия, Словения ҳамда собиқ совет республикалари бўлган Литва, Латвия, Эстония давлатларини қабул қилиш масаласи ҳам ҳал бўлди. Ҳозирча еттита номзоддан ташқари НАТОга тўлақонли аъзо давлатлар сони ўн тўққизта. Уларнинг сафини яна кенгайтириш зарурми-йўқми, деган масала кўпдан бери муҳокама-мунозара мавзуси бўлиб келмоқда.

Умуман, НАТОнинг кенгайиб боришини нафақат АҚШ билан собиқ СССР ўртасидаги ҳарбий қарама-қаршиликнинг тугаши, Европадаги вазиятнинг ўзгариши учун яратилган қулай тарихий имконият, балки Ғарбий Европа мамлакатлари ва уларнинг миллион-миллион фуқароларини «совуқ уруш» азобидан сақлаб қолган тарихий воқеа ҳам, дейиш мумкин. Худди шундай имконият собиқ СССР таъсирида бўлган Шарқий Европа мамлакатлари ва уларнинг миллион-миллион фуқароларини ҳам ўзаро ишончсизлик ва қарама-қаршилик балосидан қутқазди.

НАТОнинг вазифаси, унинг бугун жаҳонда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида талқинлар кўп. Назаримда, бу борада хориж оммавий ахборот воситаларида босилаётган шарҳлар, берилаётган турли фикр ва мулоҳазалар билан танишиш маълум бир хулосалар чиқариш имконини беради. Ҳарбийлар, сиёсатчилар ва бошқа кузатувчиларнинг фикрларига таяниб шуни айтиш мумкинки, НАТОнинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб борар экан, баъзан қалтис вазиятларда ёки зарур бўлиб қолганда НАТОнинг ҳарбий имкониятларидан тинчликни таъминловчи тезкор ва тажрибали куч сифатида фойдаланиш мумкин. Албатта, ҳар қандай ҳолатда ҳам Европа Иттифоқининг қарори, яъни розилиги керак. Шунингдек, катта ҳарбий куч талаб қилинадиган урушлар, турли низолар ва можароларни бартараф этишда бошқа давлатларнинг ҳарбийлари билан биргаликда, жумладан, АҚШнинг тинчлик ўрнатувчи кучларини сафарбар этишда ҳам НАТО зиммасига катта масъулият тушади. Ёки халқаро терроризмнинг хуружларини олайлик. Сўзсиз, НАТО бундай хуружларни бартараф этишдан четда туриши мумкин эмас. Ўз вақтида Жорж Робертсон халқаро терроризмга қарши курашда бу ташкилотнинг иштирокини кучайтириш таклифини илгари сурган эди.

Европа Иттифоқининг НАТОга таъсир кучи катта. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик шартномаси мавжудлиги эса, тўғриси, Ўзбекистоннинг НАТО билан муносабатларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Давлатимизнинг ўз мажбуриятларини бажариш йўлидаги саъй-ҳаракатлари Европа Иттифоқи раҳбариятига яхши маълум. Умуман, Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи ва НАТО билан ўрнатган ҳамкорлиги халқаро миқёсда диққат-эътиборга сазовор бўлмоқда. Буни жаноб Яап де Хооп Схеффернинг давлатимиз раҳбарига йўллаган мактубидаги қуйидаги сатрлардан ҳам билиш мумкин: «Бугунги кунда яратилаётган янги механизмлар Ўзбекистон учун катта аҳамият касб этади. Шерикликнинг индивидуал иш режаси Тақдимот ҳужжати лойиҳасининг Ўзбекистон томонидан жадал тайёрланаётганини билиш менга мамнуният бахш этди». Демак, ҳамкорликнинг янги қирраларини шакллантириш жараёни бораяпти. Шубҳасиз, тинчлик йўлидаги биргаликдаги интилишдан ҳар иккала томон ҳам манфаатдордир.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

# ОЛАМ НАФАСИ

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Президент Аджарияга киритилмади



Бундан бир ҳафта олдин Грузия Президенти Михаил Саакашвили мамлакат таркибидаги Аджария Республикаси етакчиси Аслан Абашидзе билан оғзаки тортишиб қолганди. Якшанба куни давлат раҳбари Саакашвили кортежи мухторият ҳудудига киритилмади. Шундан сўнг Президент қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Михаил Саакашвили Аслан Абашидзега шарт қўйди. Унда автономия етакчиси 24 соат ичида давлат раҳбарини Аджария ҳудудида эркин ҳаракатланишини таъминлаши лозимлиги таъкидланган.

Воқеаларнинг бундай тус олиши Грузия ва Аджария ўртасидаги вазиятни янада кескинлаштирди. Маълумотларга қараганда, Грузия армияси Абашидзени ҳарбий йўл билан ҳукуматдан четлатишни режалаштирмоқда. Абашидзе эса Москвадан ёрдам кутаяпти. Россия ташқи ишлар вазирлиги вакили Александр Яковенко бу воқеа муносабати билан махсус чиқиш қилиб, Аджария атрофида юзага келиши мумкин бўлган инқирозга Грузия ҳукумати сабабчи бўлиб қолиши мумкинлигига урғу берди.

## Ер кўчди

Қозоғистоннинг жануби-шарқидаги тоғли Толдибулоқ аҳоли пунктида бир ҳафтадан ортиқроқ вақт мобайнида ёққан ёмғир оқибатида ер кўчкиси содир бўлди. Олинган сўнгги маълумотларга қараганда, ҳалок бўлганлар сони 25 нафарга етган. Шулардан 13 нафари аёл, 4 нафари болалардир. Қурбон бўлганлар орасида Хитой фуқаролари ҳам бор. Табиий офат юз берган жойга Қозоғистон Бош вазири Даниал Аҳметов етиб келди.

## Дастлабки натижаларга кўра...



Al-Jazeera телеканали тарқатган хабарга қараганда, америкалик ҳарбийлар Афғонистонда ўтказаётган «Тоғдаги бўрон» амалиётларининг дастлабки натижаларига кўра, «Толибон» ҳаракатининг уч етакчиси қўлга олиниб, йигирма нафар жангари йўқ қилинди. Ушбу амалиётларни ўтказишдан мақсад Афғонистон ва Покистон чегараларидаги тоғларда яшириниб юрган «Ал-Қоида» ва «Толибон» жангариларини излаб топиб, йўқ қилишдан иборат.

## Давлат аралашмайди

Хитой парламенти мамлакатда шахсий мулк дахлсизлигини кафолатловчи қонун лойиҳасини деярли бир овоздан маъқуллади. Шу муносабат билан мамлакат конституциясига ҳам тегишли ўзгартириш киритилди.

Фуқаролар шахсий мулки дахлсизлиги тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинишидан мақсад мамлакатда социалистик йўналишда капиталистик иқтисодиётни ривожлантиришга катта эътибор қаратишдир. Эндиликда ўзгартириш киритилган конституцияга мувофиқ, давлат хусусий компания ва шахсий мулк муносабатларига аралашмайди.

## Почта хизматчилари иш ташламоқчи

Британия давлат почта хизмати — Royal Mail ходимлари оммавий иш ташлашни режалаштирмоқдалар. Бу ҳақда Касаба уюшмаси матбуот котиби маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, Royal Mail маъмурияти ўз ходимларини қисқартириши ҳақидаги режа маълум бўлгандан сўнг ишчилар шундай қарорга келишган.

***Марказий сайлов комиссияси вакили Владимир Лисенко Россия президентлиги учун бўлиб ўтган сайловнинг дастлабки натижаларини маълум қилди. Унга кўра, Владимир Путин 71,2 фоиз, Николай Харитонов 13,9 фоиз, Сергей Глазьев 4,1 фоиз, Ирина Хакамада 3,9 фоиз овоз олди. Олег Малишкинга 2,1 фоиз ва Сергей Мироновга эса 0,8 фоиз сайловчилар овоз беришди.***

## Путин ғалаба қозонди



Шундай қилиб, Владимир Путин дастлабки натижаларга кўра, сайловда ғалаба қозонди. У ўша куни тунда бўлиб ўтган матбуот конференциясида сўзга чиқиб, «Биз кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаймиз. Фуқаролик жамиятини шакллантирамиз ҳамда мамлакатда оммавий ахборот воситалари эркинлиги учун нимаики шарт бўлса, ҳаммасини бажарамиз», деди. Унинг таъкидлашича, бундан кейин Россияда сиёсий партиялар фаолиятини янада жўшқинлаштириш лозим бўлади.

Ташқи кузатувчилар Путиннинг бу ваъдаларини турлича баҳоламоқдалар. Бирлари уни халқаро майдонда Россияга бўлган қизиқишни сақлаб қолишга уриниш деса, баъзилари давлат раҳбари бу сайловга эҳтиёткорлик билан ёндашмоқда, дейишмоқда.

## Мадрид фожиаси:

# Жиноятда ким айбдор?

Ўтган пайшанба куни Испания пойтахти Мадридда террорчиликлар содир этилгани ҳақида аввал хабар қилган эдик. Шу муносабат билан пойтахтда ва мамлакатнинг турли ҳудудларида кўп минг кишилик намойишлар бўлиб ўтмоқда. Намойишчилар ҳукуматдан мазкур фожиа ташкилотчиларини тезлик билан топиб, жазолашни талаб қилишаяпти.

Испания ҳукумати дастлаб террорчиликларни ЭТА (Эускади та Аскатасуна) баск айирмачилари содир этган бўлиши мумкин, деган баёнот билан чиқишди. Испания ташқи ишлар вазири Ана Паласио бу айирмачи гуруҳ асосий гумон қилинаётганлардан бири эканини таъкидлади. Ушбу тахминларни портлашлар бўйича мутахассислар ҳам қўллаб-қувватлашди. Уларнинг маълумотига кўра, портловчи моддаларнинг ясалиши ва тизими ЭТАникига жуда ўхшайди. Бундан ташқари, кўпорувчиликлар мамлакат парламентига сайловлар бўлишидан уч кун олдин амалга оширилди. Сайловларда кўп овоз олиши кутилаётган Испания консерватив халқ партияси баск айирмачиларига нисбатан жиддий кураш олиб боришини билдирганди.

Аммо кейинчалик кўпорувчиликни «Ал-қоида» экстремистик ташкилоти ўз зиммасига олди. Ўзини «Ал-қоида»нинг Европадаги вакили Абу Духан ал-Афғоний, деб таништирган киши бу террорчиликлар Испания Ироқдаги урушни қўллаб-қувватлагани учун жазо сифатида амалга оширилганини баён этган. Испания разведкаси ҳам ана шу тахминнинг тўғрилигини маълум қилди.

Испания ички ишлар вазири Анхел Асебеснинг айтишича, европалик махсус хизмат вакиллари ал-Афғонийнинг сўзлари ёзилган видеотасмани тўлиқ ўрганиб чиқишга киришишган, шунинг учун икки тахмин ҳақида ҳам ҳозирча аниқ бир нарса дейиш қийин.

Мамлакат полицияси яна бир тахминни илгари сурмоқда. Унга кўра, террорчиликларни ЭТА ва «Ал-қоида» ҳамкорликда уюштирган бўлиши мумкин.

Ўтган шанба куни Испания полицияси террорчиликни уюштиришда гумон қилинаётган 5 кишини ҳибсга олди, улардан 3 нафари марокашлик, 2 нафари эса Ҳиндистон фуқароларидир.

**Салим ДОНИЁРОВ.**




## Рулга ўтирдингми, ичма!

АҚШнинг Иллинойс штати қонуншунослари йўл қоидаларига оид янги қонун лойиҳасини кўриб чиқишга киришдилар. Унга биноан, спиртли ичимлик ичган ҳолда иккинчи марта полицияга тушган ҳайдовчининг автомобилига тўқ сариқ рангли белги қўйилади. Қонуншуносларнинг фикрича, бу белги одамларни машинани бир неча бор маст ҳолда рулда ўтирган ҳайдовчи бошқараётганидан огоҳ этиб туради.

**Д. ЭГАМҚУЛОВА**
**тайёрлади.**

# ЙЎЛ ҚУРМОҚДА

лари, дараю тоғлари бошланади. 20 йилдан ортиқ давом этган уруш қолдирган асорат ва жароҳатлар аста-секинлик билан бўлсада, барҳам топиб бораяпти. Бунга йўл бўйидаги шудгорланган далаларни, гавжум бўлиб қолган бозор-ўчарларни кўриб, амин бўласиз.

Афғонистоннинг жанубида жойлашган Балх, Самангон, Боғлон, ва бошқа яна саккиз вилоятни Қобул шаҳри билан боғловчи энг яқин йўл денгиз сатҳидан 3300 метр баландликда бўлган Саланг довони орқали ўтади. Ўтган йили йўлсозларимиз ана шу йўналишда 5 та замонавий кўприкни «Камгар» фирмаси билан ҳамкорликда уч ой ичида қуриб беришди. Бу — айтишга осон. Қурилиш ишлари кечагина жанглар қизиган, ҳали мина ва снарядлардан тозаланиб бўлинмаган жойларда олиб борилганини, дастлабки кезларда йўлсоз-мутахассисларимизни кечаю кундуз махсус қуролли қўриқчилар муҳофаза қилиб турганини, бошқа маиший ва табиий қийинчиликларни бирма-бир эслайверсак, катта бир достон бўлади. Атиги 11 ишчи-мутахассисдан иборат йўлчилар бўлинмаси қарийб бир йил давомида бу ерда ҳам лойиҳалаш, ҳам қуриш ишларини олиб боришди. Кўприкларни барпо этиш учун зарур бўлган оддий михдан тортиб, мураккаб ва оғир конструкцияларгача Термиздан ташилди. Салангдан Ўзбекистоннинг жанубий чегарасигача бўлган масофа 350 километрни ташкил қилади. Лекин шундай қийинчиликларга қарамай, барча иншоотлар ўз муддатида топширилди.

Ўшанда ҳар бир кўприкнинг очилиши катта халқ сайлига айланиб кетган эди. Шу муносабат билан ўтказилган маросимларда сўз олганлар ҳам, биз билан суҳбатда бўлганлар ҳам бу кўмакнинг аҳамиятини юқори баҳолашган, ўзбек халқига ва унинг Президентига бўлган қалб ташаккурларини тўлиб-тошиб гапиришган эди. Улар орасида Мозори Шариф шаҳрининг имом хатиби муовини Саъдий Ансорийнинг қуйидаги сўзлари ҳамон қулоғимиз остида жаранглаб турибди:

— Ҳадисларнинг бирида «Мачитни бузиб кўприк солиш мумкин, лекин кўприкни бузиб мачит қуриб бўлмайди» — дейилади. Ана шунинг ўзи ҳам кўприкка бўлган ҳурмат-эҳтиромнинг нақадар юксаклигини кўрсатиб турибди. Ўзбекистонликлар бизга ана шундай савобли ишларни қилиб беришдики, биз Президентингиздан ҳам, халқингиздан ҳам миннатдормиз. Амалий кўмак учун Оллоҳ ўз раҳматларини ёғдираверсин, юртингиздан барака ва хотиржамлик аримасин.

Шундан кейин Афғонистон ҳукумати Саланг довонини айланиб ўтувчи мураккаб тоғ йўлларида яна шундай бешта иншоотни қуриб беришларини сўраб мурожаат қилди. Бу буюртмалар ҳам қисқа фурсатда бажарилди. Уларнинг ҳар бири 80-100 тонна ва ундан ҳам ортиқ бўлган юкларни кўтара олади.

Ўзбекистонлик йўлсозларнинг бунёдкорлик ишлари бу йил ҳам янги кўлам билан давом этади. Яна бир томони, Афғонистонда уруш тўхтаб, янги ҳаётнинг бошланиши Ўзбекистон транспорт коммуникацияларини энг яқин йўллар билан океанга олиб чиқишга қаратилган лойиҳаларни тезлаштириш имконини ҳам яратиб берди.

### Трансафғон йўлаги

Аввало, бир неча рақамга эътиборингизни тортмоқчимиз. Ўзбекистон Эроннинг Бандар Аббос порти орқали 2000 йилда 212,6 минг тонна юк ташиган бўлса, 2002 йилга келиб, бу рақам 264,4 минг тоннани ташкил қилди. Ўтган йили бу кўрсаткич янада ошди. Афғонистонга кейинги бир ярим йил давомида Термиздаги Ҳайратон кўприги орқали бир миллион 100 минг тоннадан ортиқ инсонпарварлик юклари ўтказилган. Ана шу рақамларнинг ўзиёқ мазкур давлатлар билан мамлакатимизнинг бу соҳадаги ҳамкорлиги ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Маълумки, мамлакатимиз учун денгизга олиб чиқувчи энг яқин йўл Афғонистон орқали Эрон ҳудудига туташ денгиз портларига ва Омон кўрфазига чиқишдир. Шу боис ҳам Ўзбекистон Афғонистон ҳудудида йўллар қурилиши ғоясининг ташаббускори бўлиб майдонга чиқди ва у Халқаро трансафғон йўлаги сифатида тарих саҳифасидан жой олди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2003 йил 17-18 июнь кунлари Эронга ташрифи давомида ўзаро транспорт коммуникацияларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, унда Афғонистон муваққат ҳукумати раиси Ҳамид Карзай ҳам иштирок этди. Унинг натижаси сифатида уч томонлама: узунлиги 2900 километрлик Чаҳбаҳор-Милак-Дилором-Ҳирот-Термиз — Тошкент, 2912 километрлик Бандар Аббос — Дугорон — Ҳирот — Термиз — Тошкент, 2033 километрлик Бозоргон — Теҳрон — Машҳад — Дугорон — Ҳирот — Шибирғон — Мозори Шариф — Термиз — Тошкент йўналишларини, яъни Халқаро трансафғон йўлагини барпо этиш юзасидан битим имзоланди. Бундан мақсад ҳар уч давлат ҳамда минтақа мамлакатларининг савдо-иқтисодий алоқаларини янада ривожлантириш, уларнинг Форс ва Омон кўрфазларига, Ҳинд океани, Европа ҳамда халқаро денгиз йўлларига чиқишларини таъминлашдир.

— Халқимиз бу битимнинг имзоланишини катта мамнуният билан кутиб олди, — дейди Афғонистон ҳукумати раисининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси, генерал Муҳаммад Носир. — Чунки бу йўллар бизни ва Эронни Ўзбекистон орқали Осиё, Европа давлатларига, ўз навбатида Ўзбекистонни ва Афғонистонни Форс кўрфази ва Ҳинд океанига олиб чиқувчи энг қисқа йўллар ҳисобланади. Мисол учун, бу йўналишлар Грузиянинг Поти порти орқали денгизга етказувчи йўлга нисбатан бир ярим минг чақирим яқинроқдир.

Ҳақиқатан, бу йўлак минтақа мамлакатлари, шу жумладан, океанга олиб чиқувчи энг қисқа йўл сифатида Ўзбекистоннинг иқтисодий манфаатларига тўла мос келади. Чунки мазкур йўналиш бўйича денгиз портларига олиб борилган бир тонна юкнинг нархи 65 долларга тушади. Бошқа йўналишлар, хусусан, Тошкентдан Санкт-Петербургдаги портга қадар бўлган масофа 4545, Ригагача — 4800, Клейпдагача — 5070, Мурманскқача — 6587 километрни ташкил



қилиб, шунга яраша бир тонна юкнинг баҳоси уч-тўрт баравар ва ундан ҳам кўпроқ ошиб боради.

Яна бир томони, Трансафғон йўналишининг Термиздан Ҳиротгача бўлган қисми 779 километрга тенг бўлиб, уни барпо этиш бўйича ўтказилаётган халқаро тендерда «Ўзавтойўл» ҳам иштирок этаяпти. Албатта, унда қуруқ қўл билан қатнашиб бўлмайди. Ўзбекистонлик йўлсозлар бунга бир йил давомида пухта ҳозирлик кўришди. Масофанинг ҳамма жиҳатлари қадамба-қадам ўрганиб чиқилди. Бунда мавжуд замонавий ускуналар, компьютерлар жуда асқотди. Техник-иқтисодий лойиҳа ҳужжатлари дари, инглиз ва ўзбек тилларида тайёрланди.

— Яқинда мазкур танловнинг биринчи босқичи Қобул шаҳрида бўлиб ўтди, — дейди компаниянинг Европа-Осиё трансконтиненталь автомагистрали концерцуми директорлар кенгаши раиси Олимжон Бўронов. — Унда бир қатор ривожланган мамлакатларнинг 20 га яқин компанияси иштирок этди. Янги босқичга йўлланма олган 7 компания орасида «Ўзавтойўл» ҳам бор. Бу танлов яна икки ойдан кейин ўтказилади ва ғолиб аниқланади.

Афғонистон транспорт коммуникациясини ривожлантириш билан боғлиқ яна бир йирик лойиҳа ҳам «Ўзавтойўл» томонидан амалга оширилмоқда. Бу — Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўлининг барпо қилинишидир. Унинг ҳам лойиҳалаш ишлари ниҳоясига етказилди ва қурилиш ишлари тез орада бошлаб юборилади.

Халқаро транспорт коммуникацияларини барпо қилиш ана шундай бекиёс кўлам касб этиб бораётир. Унда Осиё ва жаҳоннинг кўплаб энг йирик молиявий идоралари, халқаро ташкилотлари ҳам қатнашишяпти. Бу лойиҳаларнинг ташаббускори ва фаол иштирокчиси бўлиб юртимиз майдонга чиқаётганлиги эса, унинг яқин келажакдаги тараққиёт кўламлари ва дунёдаги мавқеининг нечоғлик ошиб бораётганидан далолат беради.

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ.**

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг пудрат савдоларини ташкил этиш бўйича республика бошқармаси**

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**қуйидаги объектни фойдаланишга тайёр ҳолда (калити билан) қуриш бўйича**

**ТАНЛОВ САВДОСИ (ТЕНДЕР) ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**Объект номи:**

**Янгиобод туманининг Баландчақир шаҳарчасида болалар спорт мажмуаси (1- тип)**

***Ишларни тугаллаш муддати 500 кун***
***Объектнинг бошланғич қиймати, млн. сўм 209,818***

*Буюртмачи — Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Жиззах вилояти бўлими.*
*Манзил: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 70-уй.*
*Телефон: 226-16-98.*

Қурилиш ишлари буюртмачининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдосида иштирок этиш истагини билдирган пудратчи ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: *устав сармояси миқдори, объект қийматининг камида 20% миқдоридаги айланма маблағларга ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, объектда ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислари ҳамда ўз кучи билан ва ўхшаш объектларни қуриш бўйича иш тажрибаси борлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эгалиги.*

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси:

*Жиззах ш., Ш. Рашидов к., 63-уй, 312-315-хоналарда жойлашган капитал қурилишда пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш бўйича республика бошқармасининг Жиззах вилояти филиалига мурожаат қилишлари сўралади. Тел./факс: (8-372) 226-14-66, 226-05-42.*

*Бир тўплам ҳужжатларнинг нархи — 50 000 сўм.*

*Оферталар юқоридаги манзил бўйича қабул қилинади. Оферталарни тақдим этишнинг энг охирги муддати — тендер комиссиясининг оферталарни очиб кўриш бўйича йиғилиш куни ва соатигача. Оферталар эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан сўнг соат 17.00да тендер комиссияси томонидан қуйидаги манзилда кўриб чиқилади: Жиззах ш., Ш. Рашидов к., 64-уй, вилоят ҳокимлигининг кичик мажлислар зали.*

**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!**



# Бундай бўлишини кутмагандик

13-14 март кунлари пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуида юнон-рум кураши бўйича "Гран-При" туркумига кирувчи халқаро турнир бўлиб ўтди. Беш қитъанинг 60 дан ортиқ мамлакатидан келган 200 га яқин полвонлар шу йилнинг энг нуфузли мусобақаси ҳисобланмиш Афина Олимпиадасига йўлланма олиш учун гиламга чиқишди. Турнирда биринчи, иккинчи, учинчи ҳамда тўртинчи ўринни қўлга киритганлар Олимпиадада қатнашиш ҳуқуқига эга бўларди. Афсуски, вакилларимиздан бирортаси ҳам шундай имкониятдан фойдаланолмади. 84 ва 55 килограмм вазнларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Димитрий Круглит ҳамда Камол Холматов беллашувларнинг иккинчи босқичидаёқ рақибларига йўлни бўшатиб беришди. Ишонган вакилимиз Баҳодир Қурбонов ҳал қилувчи — чорак финал баҳсида қирғизистонлик Канатбек Багалиевни енголмади.

Спортнинг ушбу турида Олимпиада йўлланмалари сонини айнан Тошкентдаги турнирда кўпайтиришни режалаштиргандик. Лекин "ўз уйимиз деворлари" ҳам ёрдам беролмади. Курашчиларимизнинг муваффақиятсизлигини мутахассисларимиз, бош мураббийнинг таркибини тўғри танлай олмаганлигида, дея баҳолашмоқда. Бу фикрга қўшилмасликнинг иложи йўқ.

Пойтахтимиздаги турнир эронлик спортчилар учун омадли келди.

— Тошкентдаги турнирда бунчалик юксак натижага эришишимизга ишонмагандим, — дейди Эрон терма жамоасининг бош мураббийи Ҳасан Бабач. — Франция ҳамда Сербия-Черногориядаги турнирларда бор-йўғи биттадан йўлланмага эга бўлгандик. Юртингизда эса бирйўла 4 нафар спортчимиз нуфузли мусобақа иштирокчисига айланди.

**Дилмурод ПАРПИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*Мавзуга қайтиб*

# ҚЎШИҚ ҲАМ ТАРБИЯ

Чиндан ҳам шундай. Бунга ҳеч бир эътироз билдириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам оналаримиз тунлари бешик устида бедорланиб, ўзларининг энг яхши орзу-ҳавасларини, юраклари тубида пинҳон ётган ширин ва сирли ҳисларини, қалбларини ўртаган дарду ҳасратларини алла қилиб айтганлар. Шунинг учун ҳам мурғакликда тинглаган наволаримиз сира хотирдан ўчмайди, тоабад бизга ҳамроҳлик қилади. Кексайган чоғимизда ҳам дилимиздан тилимизга кўчиб туради, беихтиёр хиргойи бошлаймиз:

***Толлар ичидан танлаб олган***
***Толчивиғим—болам,***
***алла-ё, алла.***
***Гуллар ичидан ҳидлаб олган***
***Гулу райҳоним —***
***болам, алла-***
***ё, алла.***

Бу қўшиқда меҳр бор, кўзга кўринмас ришта билан одамни тортиб турувчи оҳанрабо бор. Ундан йироқ ва олис кетиш амримаҳол. Умуман, қадим қўшиқларда сўз маъносига катта эътибор берилган:

***Марғилоннинг кўчасида***
***Манга бир ёр учради.***
***Ҳаммага ёр учраса,***
***Манга озор учради.***

Сўнгги мисрадаги биргина "озор" сўзида бугунги қўшиқларда аёвсиз ишлатилаётган оҳ-воҳлару ўлдим-куйдимлар ўз аксини топган.

Назаримда, сўнгги йилларда енгил-елпи ва мазмунан саёз қўшиқлар кўпайиб бормоқда. Бу ҳолат, айниқса, ёшлар ижодида кўп учрайди. Улар ижросидаги қўшиқларда уят ва андиша қолмаганга ўхшайди. Дилдора Ниёзова деган ёш хонанда бор. Анча-мунча санъаткор билан беллаша олади. Овози бетакрор, мусиқани яхши танлайди. Лекин унинг баъзи қўшиқларини эшитсангиз борми...Наҳотки, шу ёшгина қизга йўл-йўриқ кўрсатувчи устоз-мураббий топилмаса, деб ўйлайсиз. 2003 йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган "Азиз она-юртим наволари" қўшиқлар кўрик-танловида у бемазароқ бир шеърни ашула қилиб айтганди. Мен ўшанда кўрик-танлов ҳайъати аъзоси сифатида бу ҳақда холисона фикр билдириб, мақола ёзгандим. Яқинда ўша ашулани яна эшитиб қолдим, "қайта ишланиб" кенгайтирилиб, эркак хонанда иштирокида айтишув (яъни дуэт)га айлантирилибди. Дилдора "Сохта севгига ишониб, ўз ёрингдан қуруқ қолма, сени севган йигитнинг костюмидан (этагидан, баридан тут деган сўзни эшитгандик) маҳкам тут" деганидан сўнг шериги бошлайди: "Сени севдим деганлар эрталабгача нима ҳунари бўлса кўрсатади, сени сен демайди, балки сизлайди, тонгда ҳузурингдан кетгач, бошқа тозасини излайди".

Шу йилнинг 10 январида "Ҳамроҳ" радиотўлқинида ёш хонанда Давронбек Эргашев куйларди:

***Кўп эди орзуларимиз,***
***Амалга ошмади бари.***
***Лекин беғубор севгимиз***
***Қалбимизда яшайди мангу.***
***Фақат бунга сен***
***ишонтир мени,***
***Йиғламайсан соғинганда***
***мени.***
***Сен яшайсан бахтли бўлиб,***
***Ҳеч бузмасдан***
***берган ваъдангни.***

Сўнгра навбат шоира ва хонанда Шаҳнозага берилди. У пойма-пой сатрлардан иборат "Сенга нима?" деб номланган қўшиғини бошлади:

***Бу менинг ҳаётим,***
***Сенга нима?***
***Энди қадримни билдим,***
***Мени писанд этмаганларга***
***кўрсатиб қўяман.***
***Сенга нима?***

Шу куни "Ўзбегим таронаси" каналидаги хонанда жазавага тушиб

***Менга совуқ сенсиз,***
***Кунлар узун сенсиз,***
***Ҳаёт жазо сенсиз,***
***Қалбим гадо сенсиз:***

деса, "Орият-Доно"дагилар ҳам кимўзарга ўйнагандек:

***Сенсан ҳаётим,***
***сенсан юлдузим, жоним,***
***Сенсан хаёлим,***
***кеча-кундузим, жоним.***
***Ишқинг яшнайди,***
***исминг яшайди***
***Юрагимда, қалбимда, жоним,***

деб тингловчининг асабини синар эди.

Шу ўринда бизни битта савол қизиқтиради: қўшиқлар ва қўшиқчилар савиясини назорат қилиб турадиган бирорта ташкилот борми ўзи? Ёки ким нимани хоҳласа, шуни айтаверадими? Эҳтимол, бу соҳада ҳам, шаклидан қатъи назар, таниш-билишчилик ҳукмронми?

Ушбу саволимизга мутасадди раҳбарлар жавоби қуйидагича бўлди.

**Аҳмаджон РАҲИМОВ, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси Фестиваль ва танловлар бошқармаси бошлиғи:**

— Аввало, шуни айтишим keракки, бирлашмамиз қўшиқчилик санъатини яхшилаш, талантларни кашф этиш борасида ҳар йили қатор кўрик-танловлар ўтказиб келмоқда. "Олтин овоз" ва "Янги номлар" айнан ёшлар ижодини юксалтириш ва тарғиб этиш вазифасини бажаради. Лекин шунга қарамасдан, халқимиз табиатига мос бўлмаган, қуруқ бақириқ-чақириқлардан иборат чираниб айтиладиган қўшиқлар урчиб бормоқда. Бунинг биринчи сабаби шундаки, бугунги кунда нодавлат радио каналлари кўп. Улар тижорат асосида ишлайди. Шундай бўлгандан кейин ҳар ким ўз билганини қилаверади-да. Иккинчидан, концерт тадбирларини уюштирувчи хусусий корхоналар, якка шахслар ҳам катта роль ўйнамоқда. Биласизми, улар бизга бошқа матнни тасдиқлатишади, концертларда эса бошқасини ижро этишади. Қизиғи шундаки, бундай номаъқулчиликдан хижолат ҳам бўлишмайди.

Илгари янги қўшиқларни тасдиқдан ўтказувчи битта марказий бадиий кенгаш бўларди. Ҳозирда у тарқаб кетган. Назаримда, уни яна тиклаш керакка ўхшайди. Шунда кўзланган мақсадга етиш осонроқ кечар.

**Ҳабибулла РАҲИМОВ, Бастакорлар уюшмаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби:**

— Авваллари қўшиқ мусиқаси бизда, матни Ёзувчилар уюшмасида назоратдан ўтарди. Ҳозир-чи? Битта одамнинг ўзи ҳам шоир, ҳам бастакор, ҳам хонанда. Ғап уларни йўқ қилишда эмас. Очиғини айтиш керак, кўплари истеъдодли. Фақат йўл танлашда қийналишади. Бизга келиб, жон куйдириб ишлашни истамайди. Нодавлат радиоларда мусиқа мутахассислари етишмайдигина эмас, умуман йўқ. Шундай бўлгандан кейин аҳвол ўнгланмайди-да. Аҳмаджон тўғри айтаяпти, марказлашган бадиий кенгаш тузилиб, хусусий радио ва телевидение ҳам қатъий назорат остига олинса, қўшиқчилик санъати хашаки қўшиқлардан бир қадар тозаланган бўларди.

**Сирожиддин САЙЙИД, республика Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоир:**

— Шеърият — покиза бир даргоҳ. Унга фақат яхши ният билан қадам қўймоқ керак. Афсуски, кейинги йилларда "шоирлар" ҳаддан зиёд болалаб кетди. Уларнинг аксарияти хонандалардир. Ўзи шеър ёзади, мусиқа яратади ва ижро этади. Бундан осони борми? Устига устак, оранжировка ва тайёр мусиқа деган нарсалар бор. Яъни бастакор шеър матнини тайёр мусиқага солиб беради. Демак, шеърдан олдин мусиқа туғилади. Шеърда ифода этилаётган фикр мусиқага мос тушадими-йўқми, у ёғи билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди.

Ёдингизда бўлса, ўтган асрнинг 70 — 80-йилларда уюшма қошида қўшиқ кенгаши фаолият кўрсатар, уни шоир Туроб Тўла бошқарарди. Айтишларича, ўшанда ҳатто шеър сарлавҳаси устида ҳам жиддий тортишувлар, баҳслар бўларкан. Бирорта сўз маромига етмай қолса ҳам, қўшиқ ижросига рухсат берилмас экан. Ўшандай кенгаш тузиш бугуннинг талаби бўлиб қолди, шекилли.

***

Умримизни, кунимизни қўшиқсиз тасаввур этиш қийин. Унинг фарзандларимиз тарбиясидаги ўрни ҳам катта. Бугун енгил-елпи ва бемаза-бетайин қўшиқлар тинглаб ўсаётган ўғил-қизларимиз эртага оилага, ҳаётга, эл-юрт ва Ватан тақдирига масъулият билан ёндашадиларми? «Енгилнинг остидан, оғирнинг устидан» қабилида яшашга ружу қўймайдиларми? Мана шу саволларга жавоб излаш, мавжуд муаммоларни вақтида ҳал этиш биз — катталарнинг вазифамиз. Зеро, бугунги ишни эртага қолдирмаганимиз маъқулроқ.

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**


# «Бухоро ёғ» ОАЖ

*акциядорлари диққатига!*

***2003 йил якуни юзасидан акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси 2004 йил 15 апрель куни соат 16.00да жамоа йиғингоҳида ўтказилади.***

*Мажлис кун тартиби:*

1. *Жамиятнинг 2003 йил якуни, иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи ва 2004 йилги бизнес-режани тасдиқлаш.*
2. *Жамият бошқаруви раисининг меҳнат шартномаси муддатини тугатиш ёки узайтириш масаласи.*
3. *Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи.*
4. *Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича аудиторлик текширув хулосасини ва 2004 йилга жамият аудиторини тасдиқлаш.*
5. *Тафтиш ҳайъатининг йиллик ҳисоботи.*
6. *Жамиятнинг 2003 йил якуни юзасидан даромадларни тақсимлаш, дивидендлар тақсимоти ва уни бериш тартибини тасдиқлаш.*
7. *Нақд акцияларни нақдсизга конвертациялаш.*
8. *Низом жамғармасини кўпайтириш ҳақида.*
9. *Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.*
10. *Корхонани шаҳар ҳудудидан чиқариш масаласи.*

*«Бухоро ёғ» ҳиссадорлик жамиятининг 2003 йил молиявий натижалари* — *минг сўм*

| Кўрсаткичлар номи | Даромад | Харажат |
|---|---|---|
| Маҳсулот сотишдан тушган тушум | 11353607 | |
| Қўшимча қиймат солиғи | | 1892268 |
| Акциз солиғи | | 4626485 |
| Сотишдан олинган соф тушум | 4834884 | |
| Сотилган маҳсулотнинг таннархи | | 3743384 |
| Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа | 1091470 | |
| Маъмурий харажатлар | | 860650 |
| Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларида олинган даромад ва харажатлар | 82569 | 62003 |
| Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси | 251386 | |
| Солиқ тўлагунга қадар молиявий натижа | 251386 | |
| Фойда ва инфратузилма солиғи | | 84945 |
| Ҳисобот давридаги соф фойда | 166441 | |

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати реестри 2004 йил 15 март ҳолатига кўра тузилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик кўриш даврида акциядорлар умумий йиғилишнинг қуйидаги материаллари билан танишишлари мумкин:
- *молиявий ҳисоботлар;*
- *аудиторлик текшириш хулосаси.*

Ёнингизда паспорт ёки шахсни тасдиқловчи гувоҳнома бўлиши сўралади.

**Манзил: Бухоро шаҳри, Низомий кўчаси, 6-уй.**

*Кузатув кенгаши.*



## ТОШКЕНТ ШАҲАР МИРОБОД ТУМАНИ БЎЙИЧА БАНКРОТЛИК ҲАҚИДА СУД МАЖЛИСИ, КРЕДИТОРЛАРНИНГ 1-ЙИҒИЛИШИ ВА ҚАРЗДОРЛАРГА НИСБАТАН КУЗАТУВНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ҲАҚИДА ХАБАР

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 25.02.2004 йилдаги 10-0420/1130- ажримига асосан, **«DIAL AVTO» МЧЖни** банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланди. Муваққат бошқарувчи этиб Миробод тумани ДСИ ходими Р.Ф.Ҳусанов тайинланди.

Банкротлик иши 30.03.2004 йил соат 11.30да Тошкент шаҳри хўжалик судида кўрилади. Манзил: «Чўпон ота» кўчаси, 6-уй, 4-зал.

Кредиторларнинг 1-йиғилиши 19.03.2004 йил соат 11.00да қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Нукус кўчаси, 23-«А» уй, 602-хона.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 02.03.2004 йилдаги 10-0420/1254- ажримига асосан, **«ALANTAN» ИТШКни** банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланди. Муваққат бошқарувчи этиб Миробод тумани ДСИ ходими К.Б.Икромов тайинланди.

Банкротлик иши 08.04.2004 йил соат 12.30да Тошкент шаҳри хўжалик судида кўрилади. Манзил: «Чўпон ота» кўчаси, 6-уй, 4-зал.

Кредиторларнинг 1-йиғилиши 25.03.2004 йил соат 11.00да қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: «Нукус» кўчаси, 23-«А» уй, 602-хона.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 01.03.2004 йилдаги 10-0420/1242- ажримига асосан, **«KUCHLI QURILISH» ШКни** банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб ва кузатув жараёни бошланди. Муваққат бошқарувчи этиб Миробод тумани ДСИ ходими Т.Ражабов тайинланди.

Банкротлик иши 08.04.2004 йил соат 9.30да Тошкент шаҳар хўжалик судида кўрилади. Манзил: «Чўпон ота» кўчаси, 6-уй, 4-зал.

Кредиторларнинг 1-йиғилиши 25.03.2004 йил соат 12.00да қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: «Нукус» кўчаси, 23-«А» уй, 602-хона.

Миробод тумани ДСИ бошлиғи О.Э.Файзибоев.

**Маълумот учун телефон: 55-38-64.**



## ТОШКЕНТ ШАҲАР МИРОБОД ТУМАНИДА РЎЙХАТДАН ЎТГАН ВА БАНКРОТ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КОРХОНАЛАР БЎЙИЧА ХАБАР

**«ARGO-LEO» ХФ** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 04.03.2004 йилдаги 10-0320/786-сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб эълон қилинди ва тугатиш ишлари бошланди. Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналар 2 ой муддатда қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент ш., «Нукус» кўчаси, 23-«А» уй, 602-хона. Тугатиш бошқарувчиси этиб Миробод тумани ДСИ ходими М.А.Рўзиқулова тайинланган.

***Тугатиш бошқарувчиси М.А.Рўзиқулова. Телефон: 55-38-64.***

**«STANDUS-SERVIS» ХФ** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 29.01.2004 йилдаги 10-0320/785-сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб эълон қилинди ва тугатиш ишлари бошланди. Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналар 2 ой муддатда қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент ш., «Нукус» кўчаси, 23-«А» уй, 602-хона. Тугатиш бошқарувчиси этиб Миробод тумани ДСИ ходими А.А.Алимов тайинланган.

***Тугатиш бошқарувчиси А.А.Алимов. Телефон: 55-38-64.***



## «Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинати» ОТАЖ

*2003 йил 27 декабрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўйича қуйидаги муҳим фактларни эълон қилади:*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3202-сонли Фармонига кўра, «Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинати» ОТАЖ акциядорларининг 2003 йил 27 декабрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан жамият низомига киритилган ўзгартиришлар Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2003 йил 30 декабрда 186-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг Тошкент вилояти бошқармасининг 2004 йил 15 январдаги R-2/1-1-сонли қарори билан рўйхатга олинган, 1997 йил 7 октябрдаги 15-11-1-831/ДП-рақамли L0167-3 эмиссия рисоласи ўзгартирилганлиги сабабли, умумий қиймати 38850800 сўм бўлган 388508 дона акция номинал қиймати 100 сўмдан 140 сўмга етказилиб, 383773 дона эгаси ёзилган оддий ва 4735 дона эгаси ёзилган имтиёзли, умумий қиймати 54391120 сўм бўлган акцияларга тенглаштирилди.

*Кузатув кенгаши.*



ШКАФЫ-КУПЕ и встроенная мебель

- кухни
- кабинеты
- прихожие
- барные стойки
- мебель для офиса
- детские и гостиные
- спальни в стиле модерн

KOMANDOR

*Индивидуальный подход, оригинальный дизайн, современные технологии, квалифицированные специалисты - это основа, позволяющая превратить ваши идеи и желания в реальность.*

Товар сертифицирован

Тел.: 136-31-90, 133-92-82
e-mail:ppelena@ home.prv.uz

PNV - 37



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона


*Футбол*

## Мана, сенга олам-олам гол...

Кеча мамлакатимизнинг еттита стадионида футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида Ўзбекистон миллий чемпионатининг учинчи тур ўйинлари ўтказилди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди.

"Насаф" — "Металлург" 7:0, "Сўғдиёна" — "Нефтчи" 0:2, "Навбаҳор" — "Сурхон" 6:0, "Самарқанд-Д" — "Андижон" 3:0, "Бухоро" — "Пахтакор" 0:3, "Трактор" — "Машъал" 1:0, "Қизилқум" — "Локомотив" 0:0.


Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси меҳнат фахрийси
**Ясин МИРЗАЕВнинг**
вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзтелерадиокомпания жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган хор жамоасининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри Дилбар Маликовага падари бузруквори
**Мирсаъди УМАРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши Федерация Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Маҳмуджон Расуловга падари бузруквори
**МЎМИНЖОН отанинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти жамоаси «Жисмоний тарбия» кафедраси мудири, доцент С. Мусаковга фарзанди
**Мирвоҳид МУСАКОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти жамоаси педагогика ва касб таълими факультети декани муовини Абдусаид Исоқовга волидаи муҳтарамаси
**МУКАРРАМА аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгаши жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими кенгаши раиси Ҳасан Нормуродовга акаси
**Ҳамдам НОРМУРОДОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси «Маркетинг» кафедраси доценти Муаззам Саидкаримовага акаси
**Озод ЮНУСОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Сирдарё вилояти ёнғин хавфсизлиги бошқармаси шахсий таркиби ёнғин ўчирувчиси Шерзод Чинниқуловга отаси
**Ҳикмат ЧИННИҚУЛОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г—472. 33413 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшед ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Нормуродова.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5